

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АЛИЕВ МАНСУР АБДУХОЛИКОВИЧ

**ПОСТТРАВМАТИК ЦЕРЕБРАЛ АРАХНОИДИТЛАРНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ДИАГНОСТИКАСИ ВА КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of dissertation doctor of philosophy (PhD)

Алиев Мансур Абдухоликович

Посттравматик церебрал арахноидитларнинг замонавий
диагностикаси ва комплекс даволаш усулларини
такомиллаштириш.....

3

Алиев Мансур Абдухоликович

Современные методы диагностики и усовершенствование
комплексного лечения посттравматических церебральных
арахноидитов.....

21

Aliev Mansur Abdukhovich

The modern diagnostic methods and improvement of complex treatment
of posttraumatic cerebral arachnoiditis.....

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

43

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АЛИЕВ МАНСУР АБДУХОЛИКОВИЧ

**ПОСТТРАВМАТИК ЦЕРЕБРАЛ АРАХНОИДИТЛАРНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ДИАГНОСТИКАСИ ВА КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib121 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.niito.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мамадалиев Абдурахмон Маматқулович тиббиёт фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Аҳмедиев Маҳмуд Мансурович тиббиёт фанлари доктори
	Маҳкамов Козим Эргашевич тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Фужита тиббиёт университети Нейрохирургия департаменти (Япония)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.02.2018.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Махтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Махтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Ж. Азизов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

И.Ю. Ходжанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра «краниocereбрал жароҳатлар ва уларнинг оқибатлари умумий шикастланишларнинг 30-40% ини ташкил қилиб, бу кўрсаткич ҳар йилда 2% гача ошиб бормоқда», «44 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатли кишиларда ўлим ва ногиронлик кўрсаткичлари биринчи ўринни эгалламоқда»¹. Россия Федерациясида краниocereбрал жароҳатлар ва унинг оқибатлари «бир йилда 600 мингта ҳолатда қайд қилинади»², АҚШда эса 1,7 млн. кишида кузатилиб, шулардан 52 минг киши вафот этади, 124 минг ҳолатда оқибатлари қайд этилади³. Посттравматик церебрал арахноидитлар (ПТЦА) патогенези, ташхиси, уларни даволашга боғлиқ муаммолар, шу жумладан замонавий текшириш усуллари ҳамда консерватив ва хирургик даволашни такомиллаштириш бўйича бажариладиган тадқиқотлар глобал даражадаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда посттравматик церебрал арахноидитларнинг патогенези, ташхислаш ва даволашнинг самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ликвор йўллариининг посттравматик ўзгаришларида ривожланувчи нейродегенератив оқибатлар, гематоэнцефалик барьер ўтказувчанлиги ва протеинлар алмашинувининг бузилиши аҳамиятини ўрганилган; замонавий магнит-резонанс томография (МРТ) ва мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ) усуллари ёрдамида касаллик семиотикаси ишлаб чиқилган, даволашда эндоскопия ва шунтлардан фойдаланиш каби миниинвазив хирургик усуллар такомиллаштирилган; консерватив даволашда турли ноотроп препаратлар, нейропротектор ва антиконвульсантлар ёрдамида маълум натижаларга эришилган, посттравматик эпилепсияларни вақтинча назорат қилиш имконияти туғилган. Бинобарин, даволаш натижаларидан кейинги рецидив ва эпилептик хужумларнинг кўп ҳолларда сақланиб қолиши ушбу муаммонинг долзарблигини кўрсатади ва тадқиқотларни давом эттириш эҳтиёжини оширади.

Республикамиз аҳолиси ўртасида краниocereбрал жароҳатлар сони урбанизация ва техник ривожланиш ҳисобига ўсмоқда. Уларни даволаш ва асоратларининг олдини олишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда ва айрим натижаларга эришилган, жумладан интракраниал гематомаларни ташхислаш ва хирургик даволаш усуллари такомиллаштирилган, жароҳатнинг бемор ёшига боғлиқ хусусиятлари, иммунологик ҳолатлари ва ташхислаш усуллариининг прогностик аҳамияти

¹ World Health Organization website / http://www.who.int/violence_injury_prevention/media/news/2015/Injury_violence_facts_2014/en/

² Коновалов А.Н., Потапов А.А., Лихтерман Л.Б. и соавт. Реконструктивная и минимально инвазивная хирургия последствий черепно-мозговой травмы. – М. 2012. - 319 с.

³ Faul M, Xu L, Wald MM, Coronado VG. Traumatic brain injury in the United States. Atlanta, GA: National Center for Injury Prevention and Control, Centers for disease Control and Prevention; 2010.

ўрганилган. Ўтказилган тадқиқотлар асосан жароҳатларнинг ўткир даврига тегишли бўлиб, асоратлар ва оқибатлар муаммосига кам аҳамият қаратилганлиги сабабли краниоцеребрал жароҳатлар (КЦЖ) оқибатлари, жумладан ПТЦАлар долзарб муаммолардан бири ҳисобланади, шу билан бирга меҳнатга қобилиятли ёшлар ва болалар орасида кўп учраётганлиги, леталликнинг юқорилиги, кўпинча беморларда доимий ёки вақтинча ногиронликнинг келиб чиқиши каби иқтисодий ва ижтимоий ҳолатлар билан ифодаланади. Мамлакатимизда бугунги кунда тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг юқори сифатини таъминлаш, унинг кўламини кенгайтириш ва самарадорлигини яхшилаш юзасидан кенг қамровли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилиши муносабати билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган¹. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, ПТЦА касаллигини ташхислаш ва самарали даволашда замонавий технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш асосида ихтисослаштирилган нейрожарроҳлик тиббий ёрдамни такомиллаштириш, юзага келадиган беморлардаги ногиронликнинг олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек, ўз вақтида кўрсатилган тиббий хизмат ҳаёт сифатини оширишда муайян аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985 сонли «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071 сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги 867-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган нейрохирургия ёрдамни кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, тадқиқотчилар томонидан КЦЖ оқибатлари ва ПТЦАларнинг клиник ва морфологик ишчи классификацияси ишлаб чиқилган, МСКТ ва МРТ натижалари таҳлил қилинган, синфланган, клиник фазалар бўйича касалликнинг кечиши хусусиятлари тадқиқ қилинган, даволашда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 4947 - сон Фармони «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси», 07.02.2017

миниинвазив усуллар ишлаб чиқилган (Коновалов А.Н., Потапов А.А., Лихтерман Л.Б. ва бошқалар, 2012; 2014; 2015; Кариев Г.М., Ахмедиев М.М., 2006; 2014; 2015). Посттравматик эпилепсияларнинг консерватив (Одинак М.М., Дыскин Д.Е. ва бошқ., 2009; 2010; Gabriel W.M., Rowe A.S., 2014) ва хирургик даволаш (Жанайдаров Ж.С., Касумов Р.Д., 2005; Christine Hung, James Chen W.Y., 2012) усуллари такомиллаштирилган.

Ҳозирги вақтда МРТ йўналиши асосида пайдо бўлган янги спектроскопия (МРС) усули маҳаллий ва хорижий изланувчиларни қизиқтириб, унинг ёрдамида бош миёдаги маҳаллий метаболит ўзгаришларни, яъни N-ацетил аспартат (NAA), холин (Ch), креатин (Cr), глутамат (Glx), лактат (La), аланин (Ala) каби метаболитлар миқдорини баҳолаш имконияти пайдо бўлди, бу эса ўз навбатида даволаш тактикасини асослаш ва нерв тизими фаолиятини тиклаш учун муҳим ҳисобланади. Бу борада МРСнинг бош миёда ўсмалари (Alena Horská et al., 2010; Окользин А.В., 2007), болаларда лейкоцистрофия, неонатал гипоксик ва ишемик энцефалопатиялар (Miller J.C. et al., 2012) диагностикасида ва ишемик инсультларда бош миёдаги метаболит ўзгаришларини баҳолашда (Труфанов А.Г., 2009), диффуз аксонал шикастланишлар, посттравматик хуш бузилишларидаги марказий нерв тизими фаолиятини сон ва сифат жиҳатидан ўрганишда (Александрова Е.В., 2015) муҳим аҳамиятга эга эканлиги тадқиқ қилинган.

Болаларда арахноидал кисталарнинг (АК) локализациясига кўра клиник-неврологик ва морфологик хусусиятлари, киста деворининг ҳолатлари, хирургик даволаш натижалари (Казацкая Е.В., 2012), АКларни хирургик даволашда эндоскопдан фойдаланиш учун кўрсатмалар ва эндоскопик хирургия амалиётининг имкониятлари ва самарадорлиги ўрганилган (Меликян А.Г., 2001; Кариев Г.М., Саидов Г.С., 2006), АКларда томоцистернографиянинг диагностик аҳамияти, кисталар жойлашган жойига кўра мос хирургик усулларни танлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилган (Ростовцев Д.М., 2006), АКларни хирургик даволашдан кейин ўтказилган нейрорентгенологик текширишлар натижалари ва келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар таҳлил этилган (Christian A.H., 2007), 2 ёшдан кичик болалардаги АКларнинг ривожланиши патогенези ва даволаш усуларининг самарадорлиги ўрганилган (Gabriel Z., 2007), АКларнинг кимёвий таркиби ва ликвор суюқлигининг қиёсий тадқиқоти ўтказилган (Magnus B., 2010).

Озон юбориш йўли билан даволаш тизими 1977 йилларда қўлланила бошланган, лептоменингитларда эндолюмбал озон юбориш йўли билан даволаш усулининг ижобий самарадорлиги ўрганилган (Болгаев А.Б., Мадьяров С.Д., Махмудов С.Б., 1977). КЦЖнинг ўткир даврида эндолюмбал озон ва пирацетам юбориш усули ишлаб чиқилиб, экспериментал ва клиник тадқиқотларда унинг хавфсизлиги ва самарадорлиги исботланган (Агзамов М.К., Мамадалиев А.М., 1994; Дубровина Е.А., 2007), турли этиологияли менингитлар эндолюмбал озон ва кислород юбориш йўли билан даволанганда ижобий натижалар кузатилган (Белопухов В.М. ва бошқ.,

2007), АҚШлик тадқиқотчилар нейродегенератив касалликларда бир неча хил протеинларни эндолюмбал юборилганда маҳаллий ижобий терапевтик самарани қайд этишган (Pericles C. et al, 2014).

Шундай қилиб, ПТЦА муаммоси, кўп сонли тадқиқотларнинг амалга оширилганлигига қарамай, фрагментар характерга эга бўлиб, замонавий тиббиёт технологиялари ёрдамида кенг кўламли тарзда ўрганишни ҳамда тадқиқотларни мақсадли ўтказишни тақозо этади. Ўтказилган тадқиқотлар ушбу патологияда МСКТ, МРТ, МРС каби замонавий текшириш усулларидан фойдаланган ҳолда касаллик ривожланишида макро- ва микроэлементларнинг аҳамиятини тадқиқ қилиш, касалликни даволашда эндолюмбал ва эндокистал равишда озон ва пирацетам инсуффляциясини қўллаш усулларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Краниоцеребрал жароҳатлар ва уларнинг оқибатлари диагностикаси ҳамда даволаш усулларини такомиллаштириш» (2008-2016 йиллар) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади посттравматик церебрал арахноидитларда замонавий лаборатор ва нейровизуализация усулларининг (МСКТ, МРТ, МРС) диагностик аҳамиятини аниқлаш ва нейрохирургик комплекс даволаш усулларини такомиллаштиришни ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ПТЦАларда клиник-неврологик симптомларнинг, лаборатор текширишлар натижаларининг ва замонавий нейровизуализация усулларининг диагностик аҳамиятини баҳолаш;

ПТЦАларнинг таснифий мезонларини ва нейрохирургик ёки консерватив даволаш усулларига кўрсатмаларини аниқлаш;

ПТЦАларни даволашда эндолюмбал озон ва пирацетам инсуффляцияси ва эндокистал озон юбориш орқали миниинвазив жарроҳлик усулларини такомиллаштириш;

ПТЦАларни даволашда қўлланилган эндолюмбал ва эндокистал озон ва пирацетам иштирокида инсуффляция услубининг самарадорлигини баҳолаш;

ПТЦАларни ташхислаш, комплекс даволаш ва беморларни диспансеризация қилиш харакатлар тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникаси нейрохирургия бўлимида 2009-2016 йилларда ПТЦА диагнози билан даволанган 155 та беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини ПТЦА диагнози билан даволанган беморларга тегишли касаллик тарихлари, нейрорентгенологик ҳамда лаборатор текширишлар натижалари ташкил қилган.

Тадқиқотнинг усуллари клиник-неврологик, лаборатор, нейрорентгенологик (МСКТ, МРТ, МРС), ЭЭГ ва статистик таҳлилдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ПТЦА бўлган беморларда бош миянинг диффуз ва ўчоқли ўзгаришлари бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлмаган ҳолда алоҳида ифодаланиши ҳамда диффуз ўзгаришларда атрофик жараённинг кечиши ва ликвор йўлларининг кенгайиши, ўчоқли ўзгаришларда эса кистоз, глиоз ва чандикли жараёнларнинг устунлик қилиши исботланган;

ПТЦАларда қон зардоби ва ликвордаги етгита макро- ва микроэлементлар миқдорий ўзгаришлари (К, Са, Сl миқдорининг пасайиши, Na, Fe, Mg, P лар миқдорининг эса меъёрий кўрсаткичдан баланд бўлиши) исботланган;

ПТЦАларни даволашда нейрохирургик миниинвазив эндолюмбал озон ва пирацетам инсуффляцияси ва эндокистал озон юбориш йўли билан даволаш услуги такомиллаштирилган;

ПТЦАларни МР-спектроскопия ёрдамида текшириш натижасида бош мияда юз берган диффуз ва ўчоқли ўзгаришлар соҳасидаги локал метаболитларнинг патологик субстрат характериға кўра, NAA, Ch, Cr, Glx-ларнинг миқдорий камайиши ва La, Ala каби анаэроб метаболитларнинг кўпайиши исботланган;

ПТЦАларида эндолюмбал озон ва пирацетам инсуффляцияси ҳамда арашноидал кисталарға эндокистал озон юбориш усуллари билан даволашдан кейин қон зардоби ва ликвордаги макро- ва микроэлементлар миқдорининг меъёрлашиши клиник-неврологик симптомлар регрессияси билан коррелятив боғлиқ эканлиги исботланган;

ПТЦАлари бўлган беморларда клиник-неврологик, нейрорентгенологик, лаборатор текширувлари ҳамда эндолюмбал озон ва пирацетам инсуффляцияси ва эндокистал озон юбориш усулларидан иборат бўлган комплекс ташхислаш ва нейрохирургик даволаш ҳаракатлари тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ПТЦАларда невровизуализацион ўзгаришларнинг таснифий мезонлари бўйича синфланиши, устунлик қилувчи ўзгаришларнинг тартибға солиниши асосида ташхис қўйиш беморларға тегишли даво муолажасини танлаш имкониятини берган;

ПТЦАларнинг турли шакллари ташхислашда МСКТ, МРТ, МРС усулларининг аҳамияти ёритилган;

ПТЦАларни даволашда эндолюмбал озон ва пирацетам инсуффляцияси ва посттравматик арашноидал кисталарда эндокистал озон юбориш усуллари такомиллаштирилган;

ПТЦАлар қон зардоби ва ликворидаги макро- ва микроэлементларнинг даволашдан олдинги ва кейинги динамик ўзгаришлари баҳоланган, бу эса таклиф этилган даволаш услубини амалиётға қўллаш кўрсатмаларини белгилаш имконини яратган;

ПТЦАлар такомиллаштирилган эндолюмбал озон ва пирацетам инсуффляцияси ва посттравматик арашноидал кисталарда эндокистал озон юбориш усуллари ёрдамида даволанганда эпилептик хужумларнинг тўхташиға

ёки камайишига, давомийлигининг қисқаришига ва характери енгиллашишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва клиник тадқиқотлар услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот беморлари сонининг етарлилиги ва инструментал текширувлар натижаларига статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти: ПТЦА кузатилган беморларда ташхис ва даволаш тактикасини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган, бу эса ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш босқичларида тиббиёт ходимларининг ҳаракатларини стандартлаштириш имконини берган; ПТЦАларда МРТ, МРС ва МСКТ да аниқланган структур ўзгаришлар, қон зардоби ва ликвордаги макро- ва микроэлементларнинг метаболизмидаги миқдорий ўзгаришлар ва клиник-неврологик симптоматика орасидаги боғлиқлик ўрганилган, бу эса диагностика сифатини ошириш ва даволашнинг мос услубини аниқлаш имконини яратган.

Изланишнинг амалий аҳамияти: ишлаб чиқилган ташхислаш алгоритми республика нейрохирургия, неврология ва нурли диагностика амалиётида ПТЦАларни ташхислаш ва даволаш натижасини оширган; МРС ва лаборатор тадқиқотлар натижалари, жумладан макро- ва микроэлементлар таркибининг аниқланиши касалликнинг ривожланиш даражасини аниқлаш имконини берган, бу эса ўз навбатида даволаш натижаларини клиник-неврологик жиҳатдан яхшилаган ҳамда Glasgow outcomes scale extended (GOSE) ёрдамида ҳаёт сифатининг ошиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ПТЦАларни даволашда эндолюмбал озон ва пирацетам инсуффляцияси ва эндокистал озон юбориш йўли билан бажариладиган такомиллаштирилган жарроҳлик услуги Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-клиникаси нейрохирургия бўлимида, Самарқанд шаҳри тиббиёт бирлашмаси нейрохирургия бўлимида ва Самарқанд вилоят травматология ва ортопедия шифохонасининг нейрохирургия бўлимида, Сурхондарё вилояти кўптармоқли тиббиёт маркази нейрохирургия бўлими амалиётида услубий тавсиянома ёрдамида жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 14 октябрдаги 8 н-д/61-сон маълумотномаси). Олинган натижалар ПТЦАларни ташхислаш сифатини яхшилаш ҳамда даволаш услубларини оптимизациялашга имкон яратиб, касалликдаги клиник-неврологик ўзгаришларнинг сезиларли ижобий ўзгаришига, яъни оғир даражали ўчоқли симптомларнинг ўртача 3 мартага, кучли ифодаланган умумий мия симптомларининг 7,5 мартагача камайишига; эпилептик хужумларнинг 82,9% беморларда тўхташига сабаб бўлди, бу эса иқтисодий жиҳатдан даволашнинг қулайлигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 55 та илмий иш чоп этилган. Улардан 14 таси илмий журналларда, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, жумладан 7 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 176 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Посттравматик церебрал арахноидит касаллиги ташхиси ва нейрохирургик даволаш муаммоларининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида касаллик бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Адабиётлар шарҳида ПТЦАлар ривожланишида патогенетик жиҳатдан турли даврлардаги тадқиқотлар натижалари, даволашга тегишли эришилган ютуқлар батафсил таҳлил этилган. Боб сўнггида таҳлил қилинган материал умумлаштирилиб, хулосалар берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Клиник материал ва текшириш усулларининг тавсифи**»га бағишланган. Ишда Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникасининг нейрохирургия бўлимида 2009-2016 йилларда ПТЦА диагнози билан даволанган 155 та беморларнинг маълумотлари келтирилган. Тадқиқот беморларини 120 эркаклар ва 35 аёллар ташкил қилди. Беморлар 4 ёшдан 55 ёшгача бўлиб, ўртача $35,5 \pm 1,4$ ёшни ташкил этди.

Асосий гуруҳ беморлари бош мияда зарарланиш локализацияси ва клиник-анатомик хусусиятларига кўра таснифланиб (Маджидов Н.М., 1972), ухта гуруҳларга ажратилди: конвекситал ПТЦА билан 74 бемор, диффуз ПТЦА билан 17 бемор, базал ПТЦА ва калла орқа чуқурчаси ПТЦАлари билан 18 бемор. Назорат гуруҳини ПТЦА диагнози билан анъанавий усулда – консерватив йўл билан ва пневмоэнцефалотерапия усули ёрдамида даволанган 46 та бемор ташкил қилди.

Тадқиқотимизда 83 та беморларда қон зардоби ва ликворидаги макро- ва микроэлементлар (К, Са, Na, Cl, P, Mg, Fe) миқдори даволашдан олдин ва кейинги даврларда ҳамда динамикада ўрганилди.

Бош мияни МСКТ ёрдамида Somatom Emotion «Siemens» томографида миянинг суб- ва супратенториал структураларини қамраб олувчи 5 мм кесимларда бажарилди ва Hi Speed Dual «General Electrics» томографида 1 мм

кесимда 4 мм боскичларда сканер қилинди. Текширувлар стандарт усулда орбитоментал чизикқа параллел равишда ва 10-15 градус бурчак остидаги 4, 8, 10 ва 20 мм интервалли кесимлар олинди.

Тадқиқотимиздаги беморларга бош миянинг МРТ текшириш усули T1 ва T2 режимларда Magfinder II 0,32 Тесла ва Magnetom Essenza (Siemens) 1,5 Тесла аппаратларида ўтказилган.

Бош мия МР-спектроскопияси Magnetom General Electric, 1,5 Тесла (МР-томограф Signa HDx) аппаратида ўтказилди. Текширишда моно- ва мультивокселли МРС усуллари қўлланилди ва NAA, Ch, Cr, Glx, La, Ala каби метаболитларнинг локал миқдорий ўзгаришлари ўрганилган.

Беморларнинг умумий аҳволи ва неврологик ўзгаришлари касаллик тарихларидаги маълумотлар ва клиник-неврологик текширишлар маълумотлари асосида хирургик даволашдан аввалги ва кейинги даврда «КЦЖ оқибатларининг кенгайтирилган Глазго шкаласи» (Glasgow outcomes scale extended – GOSE, Wilson J.T. Pettigrew L.E. Teasdale G.M., 1998) ёрдамида баҳоланди.

ПТЦАда эндолюмбал озон ва пирацетам инсуффляциясининг (ЭОПИ) миниинвазив нейрохирургик даволаш услуги такомиллаштирилди ва беморларга қўлланилди. Бунинг учун беморларга асептик шароитда, одатдаги усулда люмбал пункция этилгач, люмбал босим ўлчанди ва босим кўрсаткичларига қараб порциялаб маълум миқдорда (индивидуал 20-50 мл) ликвор эвакуация қилинди. Шундан сўнг шприц ёрдамида медицина озонаторидан (Озонатор 1М) олинган озон 10-40 см³ ҳажмда эндолюмбал юборилгандан сўнг, 20% - пирацетамни 0,9% натрий хлориднинг физиологик эритмасида 3-5% ли концентрациягача эритилиб, 200 мг дан 1,0 гр гача (беморнинг ёшига ва оғирлигига қараб) люмбал каналга юборилди.


Бош миянинг посттравматик арахноидал ликвор кисталарини даволаш усулида эндокистал озон юбориш (ЭКОЮ) арахноидал киста невровизуализацион ва клиник-неврологик текширишлар ёрдамида аниқлангач, шу соҳада миниинвазив тери кесмаси (3-4 см) қилиниб, калла суягига фреза тешиги ўрнатилади. Мия қаттиқ пардаси, киста девори кесилади ва киста суюқлигининг субарахноидал бўшлиқ билан алоқаси тикланади. Сўнгра киста бўшлиғига силикон ёки хлорвинил катетер киритилади. Шу катетер орқали киста бўшлиғига 10-30 см³ озон медицина шприци билан юборилади. Катетер арахноидал киста бўшлиғида 3-4 суткаларда қайта озон юбориш учун фиксация қилиниб қолдирилади.

Назорат гуруҳи беморларига эндолюмбал 20 см³ миқдорида кислород ва ҳаво юборилиб, пневмоэнцефалотерапия ҳамда В витаминлари гуруҳи, ноотроплар, нейропротекторлар, антиконвульсантлар ва бошқалардан иборат консерватив даво муолажаси ўтказилди.

Олинган маълумотларга Excel 7,0 дастури ёрдамида компьютерда статистик ишлов берилди. Стъудентнинг t-мезонига кўра 2,0 га тенг ёки кўп, ёки мослик 5% дан ($p < 0,05$) кам бўлган ҳолатлар ишончли деб қабул қилинди.

Диссертациянинг учинчи боби «Посттравматик церебрал арахноидитлар диагностикасида замонавий нейрорентгенологик текшириш усуллари натижалари»да беморларда ўтказилган нейрорентгенологик текширувлар натижалари таҳлил қилинди. 155 (100%) беморларнинг барчасига бош миёда МСКТ ўтказилган, улардан 83 (76,1%) беморга МСКТ билан бир қаторда МРТ ҳамда 63 (57,8%) беморга фақат МРТ ўтказилган.

ПТЦАларда МСКТ ва МРТ ёрдамида аниқланган посттравматик ўчоқли ва диффуз ўзгаришлар академик А.Н. Коновалов ва унинг ҳаммуаллифлари таклиф этган (2006 й.) классификация бўйича 3 гуруҳга: энгил, ўрта оғир ва оғир даражали ўзгаришларга ажратилди. ПТЦАларда посттравматик ўчоқли ўзгаришлар (53 бемор, 48,6%) қиёсий таҳлил этилиб, уларнинг турли даражалари қуйидаги тартибда қайд этилди: энг кўп ўрта даражали КТ ва МРТ ўзгаришлар (25 бемор, 47,2%), ундан сўнг энгил ўзгаришлар (15 бемор, 28,3%) ва нисбатан кам ҳолларда оғир даражали ўзгаришлар (13 бемор, 24,5%) аниқланди (1-расм).




1-расм. Посттравматик МСКТ (а,б) ва МРТ (в) энгил, ўрта ва оғир даражали ўчоқли ўзгаришлар

Текширишларда посттравматик МСКТ ва МРТ диффуз ўзгаришларининг уч хил даражалари 56 (51,4%) беморда қайд этилди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ПТЦАларда МСКТ ва МРТ бўйича ўрта оғирликдаги диффуз посттравматик ўзгаришлар энг кўп кузатилди (26 бемор, 46,4%), иккинчи ўринда энгил даражали ўзгаришлар (23 бемор, 41,1%) қайд этилган бўлса, оғир даражали диффуз ўзгаришлар энг кам учраши (7 бемор, 12,5%) аниқланди (2-расм).

ПТЦАларда МСКТ ва МРТ натижаларида умумий ўхшашликлар ҳисобга олиниб, уларнинг умумий ва айрим хусусий тавсифлари қуйидагича қайд этилди. Деярли барча турдаги ПТЦАларда кистоз жараён устунлик қилганлиги (63 бемор, 57,8%) ва мос равишда кистоз-адгезив (30 бемор, 27,5%) ва адгезив жараёнлар устунлиги (16 бемор, 14,7 %) қайд этилди. 69 (63,5%) беморда арахноидал, интрацеребрал ва порэнцефал кисталар учради. Посттравматик интракраниал кисталар аниқланган беморларнинг 30,4% (32 та) ида 1,5-2,5 см ўлчамдаги, 21 (19,3%) беморларда 2,5-4,5 см ўлчамли


кисталар ва 16 (14,7%) беморларда 4,5 смдан катта ўлчамдаги кисталар қайд этилди.



2-расм. Посттравматик МСКТ (а) ва МРТ (б,в) енгил, ўрта ва оғир даражали диффуз ўзгаришлар

Кисталарнинг тарқалиши қуйидагича тақсимланди: 36 (33%) беморларда 1тадан киста, 25 (22,9%) беморларда сони 2-4 кисталар, 8 (7,3%) беморларда эса кўп сонли кисталар кузатилди. Мия тўқимасида чандикли-ёпишқоқ жараён 32 (29,4%) беморда, кистоз жараён 23 (21,1%), атрофия 68 (62,4%), глиоз 16 (14,7%) ва кальцификатлар 26 (23,9%) беморда аниқланди.

ПТЦАларда МРС текширувлари 38 та (34,9%) беморларда ўтказилди. 19 та (50%) беморда бош миянинг посттравматик кистоз-чандикли-атрофик дегенерацияси соҳасидаги спектрларда контралатерал соғлом соҳадаги спектрларга нисбатан рангли картаси шакллантирилганда (бир вокселли (SV) ва мультивоксел (MV) МРСда) холин миқдори ва холин-креатин нисбатининг ошганлиги аниқланди (3-расм).




3-расм. Бош миянинг МР спектрограммасида кистоз-чандикли дегенератив жараён проекциясида холин миқдори ва холин-креатин нисбатининг ошганлиги, N-ацетил аспарат миқдори камайганлиги аниқланади

МРС таҳлиллари давомида 11 (28,9%) беморларда липидлар анаэроб оксидланишини кўрсатувчи манфий метаболит – лактатнинг пайдо бўлиши ва миқдорининг ошиши кузатилган. Беморларнинг 8 тасида эса (21,1%) креатин ва N-ацетил аспарат миқдорининг кескин пасайиши кузатилди.

Диссертациянинг «Посттравматик церебрал арахноидитлар кузатилган беморлар қон зардоби ва ликвордаги макро- ва микроэлементларнинг миқдорий ўзгаришлари таҳлили» номли тўртинчи бобида 83 та (76,1%) беморнинг қон зардоби ва ликвордаги фосфор (P), кальций (Ca), темир (Fe), магний (Mg), натрий (Na), калий (K) ва хлор (Cl) унсурларининг миқдорини даволашнинг 1-3 суткаларида ва даволашдан сўнг 3-6 ойдан кейинги даврда аниқланиб, кўрсаткичлар ўзаро таққосланди.

ПТЦАлари бўлган беморларнинг қон зардобидagi макро- ва микроэлементлар миқдорий ўзгаришлари даволашдан олдинги ва кейинги даврларда қуйидагича аниқланди: Са миқдорининг даволашдан олдин ўртача кўрсаткичи 1,85 ммоль/л дан 2,28 ммоль/л гача (1,3 марта) кўтарилди ва меъерий 2,32 ммоль/л кўрсаткичига деярли тенглашди. К ва Cl миқдори даволашдан кейин ошиш тенденциясига эга бўлди ва мос равишда К нинг ўртача кўрсаткичлари 3,46 ммоль/л дан 4,24 ммоль/л га (1,2 марта), Cl эса 97,5 ммоль/л дан 98,8 ммоль/л гача (1,1 марта) кўтарилди. Даволашдан олдин қон зардобидаги меъеридан баланд миқдорли P нинг миқдори 1,49 ммоль/л дан 1,4 ммоль/л га (1 баравар), Fe нинг 22,7 ммоль/л дан 19,9 ммоль/л га (1,2 марта), Mg нинг 1,07 ммоль/л дан 1,04 ммоль/л га (1 марта) ва Na миқдорининг 147 ммоль/л дан 143,1 ммоль/л гача (1 марта) пасайиши ва меъерий кўрсаткичларга нисбатан яқинлашиши қайд этилди. Даволашдан сўнг ликвордаги Са миқдори 0,99 ммоль/л дан 1,34 ммоль/л га (1,4 марта), К ўртача кўрсаткичи 2,3 ммоль/л дан 3,5 ммоль/л га (1,5 марта) ва Cl миқдори 149,3 ммоль/л дан 165,3 ммоль/л гача (1,1 марта) ошди. Миқдори кўп бўлган P да 0,56 ммоль/л дан 0,53 ммоль/л га, Na да 140,2 ммоль/л дан 138,7 ммоль/л га ва Mg эса ликвордаги максимал кўрсаткичидан 1,51 ммоль/л дан 1,5 ммоль/л га пасайганлиги кузатилди. Беморларнинг умумий аҳволи ва неврологик ҳолати GOSE шкаласи бўйича баҳоланди ва қуйидаги натижалар олинди (4-расм).




4-расм. Беморлар аҳволини даволашдан олдин ва кейинги даврда GOSE ёрдамида баҳоланишнинг қиёсий натижалари

Жумладан, “қўпол даражадаги оғир ногиронлик” (4 балл) даволашдан сўнг 2 мартага (1,2 %) пасайди, “нисбатан оғир ногиронлик” (5 балл) 2 мартага (6 %), “ўрта оғир даражадаги ногиронлик” (6 балл) сони 2,6 мартага, “нисбий ўртача ногиронлик” ҳолатидаги беморлар (7 балл) сони 2,6 мартага ва “нисбатан қониқарли тикланиш” рўй берган беморлар (8 балл) сони 1,2 мартага камайганлиги, яъни беморлардаги неврологик ҳолати ва умумий аҳволи тикланиши ҳисобига даволашдан олдин қайд этилмаган “тўлиқ тикланиш” ҳолатидаги беморлар контингенти 48,2% га етганлиги аниқланган.

Диссертациянинг бешинчи боби «**Посттравматик церебрал арахноидитларда эндолюмбал озон ва пирацетам инфузияси ва эндокистал озон юбориш йўли билан даволаш натижалари**»да 109 беморларда олинган натижалар ҳақида батафсил ёритилган. Барча беморларга ноотроплар, нейропротекторлар, десенсибилизацияловчи воситалар, сўрилтирувчи препаратлар, витаминлар, қон томир препаратлари, макроэлемент сакловчи препаратлар, тутқаноққа қарши воситаларни буюрилди ва шу билан бир қаторда асосий гуруҳ беморларига ЭОПИ муолажаси ўтказилди.

Шу бобда кистоз ПТЦА лар ёки арахноидал кисталарни ЭКОЮ йўли билан даволашда 38 (34,9%) беморлардаги натижалари ҳам таҳлил қилинди (5-расм).




5-Расм. Бемор В., 27 ёшда. Бош мианинг ўнг чакка-базал соҳасидаги посттравматик арахноидал киста. Операциягача (а) ва операциядан кейинги (б) МРТ кўринишлари

Қуйида посттравматик арахноидитларда ЭОПИ муолажасидан ва посттравматик арахноидал кисталарда ЭКОЮ усули билан оператив даволангандан сўнгги 3 ой ва 6 ойлик муддатлардаги клинико-неврологик текширишлар натижалари даволашдан олдинги ҳолат ва назорат гуруҳи билан таққослангандаги маълумотлар келтирилган.


Катамнестик маълумотларни таҳлил қилишда 6 ойдан кейинги муддатдаги натижалар янада яхшиланган. Бош оғриши 56,9% (62 та) беморларда кузатилиб, доимий характердаги оғриқлар фоизи 11,9% (13

бемор)гача камайган; бош айланиши 25,7% (28 бемор)га, кўз олмаси соҳасидаги оғриқлар 9,2% (10 бемор)га, кўнгил айланиши 31,2% (34 бемор)га, қайт қилиш ҳолати 1,8% (2 бемор)га, умумий дармонсизлик 28,4% (31 бемор)га, тез толиқиш 23,9% (26 бемор)га, таъсирчанлик 11,9% (13 бемор) га, хотиранинг пасайиши 32,1% (35 бемор)га, диққатнинг бузилиши 22,9% (25 бемор)га, уйқунинг бузилиши 5,5% (6 бемор)га, бошда шовқин 1,8% (2 бемор)га, қулоқда шовқин 2,8% (3 бемор)га, қулоқ битиши 2,8% (3 бемор)га, чайқалиб юриш – 3,7% (4 бемор)га, кўрқув ва безовталиқ 2,8% (3 бемор)гача камайганлиги қайд этилди (6-расм).



6-расм. Асосий ва назорат гуруҳларида кузатилган умумий мия симптомларининг қиёсий динамикаси

Бош мия нервлари фаолиятининг тикланиши ЭОПИдан сўнгги 3 ва 6 ойлик даврда янада тезлашганлиги ва зарарланиш ифодаланиши даражасининг енгиллашганлиги маълум бўлди (7-расм).



7-расм. Бош мия нервлари фаолияти ўзгаришларининг қиёсий динамикаси


Беморларда бош мия нервлари фаолияти шикастланишининг ифодаланиши даражасига кўра, ЭОПИдан кейинги регрессиясига оид кўрсаткичлар таҳлил этилганда, 3 ойдан сўнг кучли ифодаланган ўзгаришлар 5,5% (6 бемор) га, 6 ойдан сўнг эса 2,8% (3 бемор) га (9 марта) камайди. Таъкидлаб ўтиш керакки, ўртача даражадаги ўзгаришларнинг стабил ҳолатда қолиши (24 бемор, 22%) ва кучсиз ўзгаришлар фоизининг ошиши (32 бемор, 29,4%) ҳолатлари нисбатан кучли ифодаланган ўзгаришларнинг регрессияси натижаси билан боғлиқ, ва бу кўрсаткичлар ўзига хос ижобий натижа бўлганлигини кўрсатади.

Ўчоқли симптомларнинг динамикасидаги ўзгаришларини ўрганиб, назорат гуруҳи билан солиштирилганда, қуйидаги натижаларга эришилди.

Нистагм кузатилган ва қорин рефлексининг бузилиши бўлган беморлар сони, Ромберг ҳолатида мувозанатнинг бузилиши ва координатор синамалардаги интенциялар 2 мартага қисқарди.

Пай ва периостал рефлекслардаги асимметрия 6 ойдан сўнг 45,9% (50 бемор)дан 34,9% (38 бемор)га, мушак тонусининг ошиши ҳолати 33,9% (37 бемор)дан 25,7% (28 бемор)га, қўл-оёқлардаги ҳаракат чекланишлари 20,2% (22 бемор)дан 17,4% (19 бемор)гача камайди, сезги бузилиши эса динамикада ўзгармасдан қолди.

Беморлар камтамнезидаги маълумотлар бўйича, ЭОПИ муолажаси ўтказилгандан 3 ойдан сўнг беморларнинг фақатгина 24 тасида (43,6%) тутқаноқ хуружлари кузатилди, яъни хуруж қайд этилган беморлар сони 2 мартага камайди. 6 ойдан сўнгги даврда эса натижанинг янада яхшиланганлигини қайд этиш мумкин, яъни эпилептик хуружлар кузатилган беморлар сони янада қисқарди, яъни 20% ни (11 бемор) ташкил қилди ва даволашдан олдинги кўрсаткичга нисбатан 5 мартагача камайишига эришилди (8-расм).




8-расм. Асосий ва назорат гуруҳлари беморларида кузатилган эпилептик хуружлар характерининг қиёсий динамикаси

